


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022 **2022**

Nocturne No. 20 in C Sharp Minor, Op. posth

Frédéric François Chopin

Vincent

**FRIDERIK SHOPEN**  
(1810-1849)**NOYABR**  
**№46**

CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.

+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
9-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-9**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## “Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### 1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### 2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

### 3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### 4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

### 5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

### 6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

### 7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

|   |    |
|---|----|
| <b>1. Абдуллаева Дилфузा Абубакировна</b>   |    |
| ОЛМАЛИК ВА НАВОЙ КМКЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК ТАРАҚҚИЙ<br>ЭТТИРИШДАГИ ЎРНИ .....     | 7  |
| <b>2. Ибодуллаев Шоҳбоз Тўлқин ўғли</b>   |    |
| СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОХОДНОСТИ АКТИВОВ<br>КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ УЗБЕКИСТАНА..... | 9  |
| <b>3. Азиз Қодиров</b>  |    |
| ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСА-<br>ЛАЛАРИ .....               | 11 |



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### ОЛМАЛИК ВА НАВОЙ КМКЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШДАГИ ЎРНИ

Абдуллаева Дилфузабабакировна  
Тошкент давлат техника университети  
"Саноат иқтисодиёти ва менежменти"  
кафедраси катта ўқитувчиси  
Dilfuza1989@inbox.ru

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада мамлакат олтин қазиб олувчи ва қайта ишловчи икки, Навоий кон metallurgия комбинати ва Олмалиқ кон metallurgия комбинатларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, инвестиция дастурида доирасида жалб қилинган маблағлар киёсий тахлил қилинган.

**Калит сўзлар:** олтин захираси, Навоий кон metallurgия комбинати, Олмалиқ кон metallurgия комбинати, олтин қазиб олиш саноати корхоналари, бошқарув, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

Навоий кон metallurgия комбинати ва Олмалиқ кон metallurgия комбинати мамлакатимизда жуда йирик саноат объектларидан саналади. Бугунги кунга келиб олтин қазиб олиш саноатида жами 15 мингдан ортиқ ишчи меҳнат фаолиятини олиб боради.

Олмалиқ Навоий кон metallurgия комбинатлари мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда географик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга йирик ташкилотлар саналади. Навоий КМКтинг 6 та асосий бўлинмаси ҳамда 7 та гидрометаллургия заводлари мавжуд. Олмалиқ КМКнинг асосий бўлинмалари 5 та ва гидрометталургия заводлари 6 тадан иборат. Навоий КМК мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхонаси бўлибгина қолмай, замонавий технологиялар, ракамли инфратузилмавий қуролланганлик ҳамда намунали, юқори малакага эга мутахассисларга эга ижтимоий-иктисоий обьект саналади. Олмалиқ КМК йириклиги жиҳатдан Навоий КМКдан кейинги ўринда туради. Рақамли технологиялар тобора кўпроқ жалб этилиб, юқори малакали кадрлар билан таҳминланганлик борасида мувваффақиятларга эга корхонадир.

Олмалиқ ва Навоий КМК мамлакатимиз иқтисодиётини стратегик тараққий эттириш шароитида Ўзбекистон худудидаги эркин иқтисодий худудлар ҳамда инвестицион лойиҳаларнинг ташкилий-иктисодий механизмининг такомиллашувида долзарб аҳамият касб этади. 2022 йилнинг ярим йиллигига 139,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди, шу каби кўрсаткич Навоий КМКда 142 млн. АҚШ доллар миқдорда бўлиб, иккалаш ташкилотнинг +1 профицит натижага кўрсатган.

Навоий КМКнинг ташкилий-иктисодий механизми жуда йирик бўлиб, унинг бошқарув фаолияти 4 поғонага ажратилган. Ҳар бир поғона ташкилий тузилмани ўзида намоён этади. Ушбу поғоналар кузатув кенгаши, бошқарма фаолияти, бошқарманинг функционал таркибий қисмлари ҳамда бўйсунувчи ишчи ходимлардан иборатдир. Кузатув кенгашининг барқарор ривожланиш, стратегия ва инвестициялар сингари муҳим қўмиталари мавжуд бўлиб, бунда иш фаолиятининг муқобиллигини таъминлаш учун тайинлов ва рағбатлантиришлар қўмитаси ҳамда назорат функциясини аудит қўмитаси амалга оширади.

Олмалиқ КМК Навоий КМК сингари бошқарувнинг 4 бўғини доирасида ташкилий-иктисодий фаолиятини юритади. Олмалиқ КМК нинг асосий ташкилий-иктисодий механизми қуий бўғинларда амалга оширилади. Бунинг боиси, Олмалиқ КМК йирик бўлсада, бошқарув фаолияти кўплаб тармоқларни ўзининг таркиби Навоий КМК сингари олмаган.

Олмалиқ КМКнинг ташкилий тузилмаси Навоий КМКнидан қолишмасада, вазифалар тақсимоти ва иш фаолияти ҳажми жиҳатдан кичикроқ тузилмага эга. Шуни ҳам эътиборга



олиш жоизки, барқарор ривожланиш ва устувор стратегик тараққий эттириш механизми Олмалиқ КМКда Кузатув кенгашида эмас, балки бошқарувнинг бош бўғинида ўрин эгаллаган.

Навоий КМКда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдан 2021 йиллар давомида барқарор ошиб борган бўлиб 22%га салмоқли ўсган. Навоий КМК инвестицион жозибадорлиги юқори ташкилотлардан саналиб, маҳсулот ишлаб чиқариш сифатининг таъминотини ҳиссаси каттадир. Навоий КМКда инвестицион лойиҳалар дастури кенг миқёсда олиб борилади, хусусан 2017 йилдан 2020 йилга қадар 6% инвестиция дастурии доирасида маблағлар ўзлаштирилиши ошган. 2021 йилда бу кўрсаткич бироз пасайтан бўлсада, барқарор ўсиш кўрсаткичини таъминлай олган [1].

Навоий КМКда соф фойда улуши энг юқори кўрсаткич 2017 йилда қайд этилган бўлиб, 2018 йилда 11 млрд.сўм камроқ натижага эришилган. 2019 йилда соф фойда кўрсаткичи 9%га ошган. 2020 йилда кўрсаткич пастлаган, 2021 йилда барқарорлик таъминланган.

Олмалиқ КМКнинг ташкилий-иктисодий механизми кўрсаткичларини ифодалашда ижтимоий меъзонни таҳлил қилганда, янги иш ўринларини ташкил этиши кўрсаткичи Навоий КМК билан солиширганда пастроқ кўрсаткичларни ташкил этишига қармасдан, 2017-2021 йиллар давомида ижобий натижаларни берган. Хусусан, 2017 йилда 56 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2020 йилга қадар кўрсаткчилар барқарор ўсиб борган, 2021 йилда янги ўринларини ташкил этиши кечкин 34 тага қадар камайган. Бунинг боиси, корхонаа хавл юқори бўлган шахталарда автоматлаштирилган ишлаб чиқариш фаолияти ташкил этиши такомиллаштирилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 1,07%га, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1,09%га, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 1,1%га, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 1,06%га ошган. Бу корхонанинг барқарор иш фаолиятини тавсифлайди.

Навоий КМКнинг инновацион лойиҳаларни жалб этишнинг саноат тармоғидаги улуши 3,2%ни ташкил этади. Ушбу рақамларни маблағ ҳисобига ўтказганда жуда юқори технологик ишланмалар ва лойиҳаларнинг сармояси келиб чиқади. Навоий КМК инвестициянинг интеллектуал, технологик ҳамда капитал турларини барчасини инновацион фаолият билан уйғунлигини таъминлади. 2018-йилда комбинатда илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида Инновация маркази ташкил этилди ва Навоий кон-металлургия комбинатини 2026-йилгача инновацион ривожлантириш дастури қабул қилинди. Дастурдаги 105 та инновацион лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши олтин таркибли рудалар ва уранни қазиб олиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, експортга йўналтирилган маҳсулотлар сонини кенгайтиришга катта замин яратади [2]. Хусусан, Навоий КМКнинг инновацион тараққий эттириш йўналишлари қаторидан геологик қидирув ишларининг изчиллиги, кончилик ишларининг такомиллашуви ва самарадорлиги, қайта ишла ва бойитиш фаолиятининг натижавийлиги, транспорт фаолиятининг тежамкорлиги, энергетика йўналишининш унумдорлиги, рақамли технологияларнинг тадбиқ этиши салоҳиятининг юқорилиги, экологик ва атроф муҳит муҳофазасининг хавфсизлигини таъминлашнинг муқобиллиги саналади.

Навоий КМК ва Олмалиқ КМКнинг ташкилий тузилмаси мавжуд бўлсада, ташкилий-иктисодий механизми тузилмаси мавжуд эмас. Шунга кўра, мамлакатимизда олтин қазиб олиш саноати корхоналари барқарор ривожланиш натижаларига эгалигини ҳисобга олган ҳолда ташкилий-иктисодий механизмини тизимлаштириш талаб этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Abdullaeva Dilfuza Abubakirovna. (2022). Die Erfahrung des Auslands im Management der Goldminenindustrie. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities ISSN 2749-0866, 2(Issue 1.1 Economical sciences), 284–292. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7294853>
2. <https://www.ngmk.uz/uz/home/blog/ishlab-chiqarish/innovatsion-texnologiyalar>



## СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ДОХОДНОСТИ АКТИВОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ УЗБЕКИСТАНА

Ибодуллаев Шоҳбоз Тўлқин ўғли

Ташкентский Государственный

экономический университет

самостоятельный соискатель

кафедры «банковского дела и инвестиций»

Телефон: +99890 008-09-09

sh\_ibodullayev@mail.ru

**Аннотация:** Повышение доходности активов является одним из обязательных условий обеспечения финансовой устойчивости коммерческих банков. В стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы отмечено, что, обеспечение финансовой устойчивости коммерческих банков является одним из приоритетных направлений реформирования банковской системы страны.

**Ключевые слова:** доходности активов, корпоративная управления, процентная маржа, уровень дохода, кредит, доход, расход, брутто, валовый доход

Повышение доходности активов коммерческих банков является одним из обязательных условий обеспечения конкурентоспособности коммерческих банков на финансовых рынках. Также, финансовая устойчивость коммерческих банков напрямую зависит от доходности активов. Поэтому, в Стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы отмечено, что, снижения зависимости банков от государственных ресурсов, обеспечение финансовой стабильности банковской системы посредством улучшения качества кредитного портфеля и управления рисками, соблюдения умеренного роста объемов кредитования, совершенствования корпоративного управления и привлечения менеджеров с международным практическим опытом являются приоритетными направлениями реформирования банковской системы страны [1].

Ниже мы на примере Национального банка внешнеэкономической деятельности анализируем доходность активов банков.

Таблица 1

Чистая процентная маржа и уровень дохода на 1 сум активов в Национальном банке внешнеэкономической деятельности Узбекистана, в процентах [2]

| Показатели                      | 2017 г. | 2018 г. | 2019 г. | 2020 г. | 2021 г. |
|---------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Чистая процентная маржа         | 1,3     | 0,9     | 0,9     | 1,7     | 2,3     |
| Уровень дохода на 1 сум активов | 5,9     | 5,3     | 4,4     | 6,2     | 8,9     |

Как видно из данных таблицы 1, в Национальном банке внешнеэкономической деятельности чистая процентная маржа и уровень дохода на 1 сум активов повысились в 2021 году по сравнению с 2017 годом. Однако, в анализируемом периоде чистая процентная маржа была ниже, чем нормативного уровня данного показателя.

Приведенные данные таблицы 1 показывают, что в 2019-2021 годах уровень дохода на 1 сум активов имел тенденцию роста. Это оценивается как положительное явление с точки зрения повышения доходности активов Национального банка.

Низкий уровень чистой процентной маржи в Национальном банке внешнеэкономической деятельности в 2017-2021 годах объясняются следующими факторами:

\*темпер роста процентных расходов первышиает темп роста чистого процентного дохода;

\*отсутствие несбалансированности между темпами роста процентных доходов и процентных расходов;

\*относительно низкая величина чистой прибыли по отношению к активам.



Таблица 2

**Показатели доходности кредитов Национального банка внешнеэкономической деятельности [3]  
в процентах**

| Показатели   | 2018 г. | 2019 г. | 2020 г. | 2021 г. |
|--|---------|---------|---------|---------|
| Доля кредитов в объеме брутто активов                        | 82,4    | 81,1    | 82,1    | 82,3    |
| Доля процентных доходов по кредитам в объеме валового дохода | 59,8    | 55,4    | 58,9    | 52,9    |

Как видно из данных таблицы 2, в 2018-2021 годах кредиты занимали очень большой удельный весь в общем объеме активов Национального банка внешнеэкономической деятельности.

Приведенные данные показывают, что в 2021 году доля процентных доходов по кредитам в объеме валового дохода Национального банка внешнеэкономической деятельности существенно снизилась по сравнению с 2018 годом.

Как видно из данных таблицы 2, в 2018-2021 годах отсутствовал сбалансированность между удельным весом кредитов в объеме брутто активов и удельным весом процентных доходов в объеме валового дохода. Например, в 2020 году удельный весь кредитов в объеме активов составил 82,1%, а удельный весь процентных доходов в объеме валового дохода банка составил 58,9 %.

На наш взгляд, для повышения доходности активов коммерческих банков Узбекистана необходимо принять следующие меры:

1. Для повышения доходности активов коммерческих банков, необходимо, во-первых, не допустить превышение темпа роста процентных расходов от темпа роста чистого процентного дохода; во-вторых, обеспечить сбалансированность между темпами роста процентных доходов и процентных расходов; в-третьих, обеспечить нормативных уровней следующих показателей, характеризующих доходность активов коммерческих банков:

\*чистая процентная маржа (4,5 %);

\*уровень чистой прибыли (min 2 %);

\*чистый процентный спред (min 1,25 %);

\*уровень резервных отчислений, предназначенных для покрытия убытков по кредитам (1,0 %).

2. Необходимо обеспечить соответствия между удельным весом кредитов в объеме активов и удельным весом процентных доходов по кредитам в объеме валового дохода банков путём улучшения структуры классифицированных кредитов, совершенствования управления кредитными рисками, обеспечения нормативного уровня коэффициента чистого процентного спреда.

### Использованная литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5992 от 12 мая 2020 года «О Стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы»// Национальная база данных законодательства, 13.05.2020 г., № 06/20/5992/0581; 18.10.2021 г., № 06/21/6325/0972, 30.12.2021 г., № 06/21/42/1224, 18.03.2022 г., № 06/22/89/0227; 10.06.2022 г., № 06/22/152/0507.

2. Национальный банк внешнеэкономической деятельности. Балансовый отчет. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021. Отчет о финансовых результатах. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021//www.nbu.uz.

3. Национальный банк внешнеэкономической деятельности. Балансовый отчет. 2018, 2019, 2020, 2021. Отчет о финансовых результатах. 2018, 2019, 2020, 2021//www.nbu.uz.



## ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАРДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Азиз Қодиров,  
Бухоро давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада туризмнинг экологик туризмнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Минтақада туристик салоҳият ҳамда экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари ўрганилган. Шунингдек, экологик туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, туризм, минтақа, экологик туризм, салоҳият, туристик салоҳият, Бухоро вилояти, агротуризм, инфратузилма, кластер.

Бугунги замонавий шароитларда туризм соҳасини ривожлантириш муҳим вазифалардан бирига айланиб улгурди. Ҳозирда Бутунжаҳон туризм ташкилоти туризмнинг энг истиқболли йўналишлари сифатида саргузашт туризм, денгиз ва сув туризми ва экотуризмни эътироф этмоқда. Бу туризм турлари ичида ёш ва истиқболли йўналишлардан бири экотуризм бўлиб, у ривожланиб келаётганлиги ҳамда сердаромадлиги билан ажralиб турди. БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, экотуризм ҳозирда туризмни ривожлантиришнинг бешта асосий стратегик йўналишидан бири хисобланади.

Мамлакатимизнинг Бухоро, Самарқанд, Хива каби бутун дунёга машхур ва маълум шаҳарлари иқтисодиётнинг стратегик тармоғи хисобланган туризмнинг ривожланишида алоҳида хисса кўшмоқда.

Бухоро вилояти сайёхлик бўйича бениҳоя катта салоҳиятга эга. Вилоятда 660 та моддий маданий мерос обьекти рўйхатга олинганининг ўзиёқ жуда кўп нарсани англатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туристик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари шу имкониятларни рўёбга чиқариш сари ташланган муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорларга мувофиқ, вилоятга ташриф буюраётган чет эллик туристлар ва мамлакатимиз сайёҳларига қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга кўрсатилаётган сервис хизматлари сифатини янада яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Шу билан биргалиқда ҳозирда вилоятда соҳа ривожи учун керак бўладиган инфратузилма обьектлари, жумладан, меҳмонхоналар, ресторанлар, транспорт воситалари, сифатли йўллар, кўнгилочар парклар, санитар-гигиеник узеллар, мотелларга ҳамда салоҳиятли кадрлар ва малакали ҳамроҳ-таржимонларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги № 794-сонли “2019-2023 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастурда 2019-2023 йиллар мобайнида Бухоро ҳалқаро аэропортига Франциянинг Париж, Испаниянинг Мадрид, Туркиянинг Истанбул ва Измир, Индонезиянинг Жакарта, Малайзиянинг Куала лумпур, Ҳиндистоннинг Дехли, Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай, Россиянинг Владивосток ва Козон (Татаристон) шаҳарларидан Бухоро ҳалқаро аэропортига қўшимча авиақатновларни ва “Меҳмонхона - Етти пир зиёратгоҳлари” йўналиши бўйлаб автобус қатновларини йўлга кўйиш; “Етти пир” зиёратгоҳларига олиб борувчи йўлларни таъмирлаш; “Қадимий Пойкент” шаҳрини реставрация, консервация ва реконструкция қилиш бўйича ҳалқаро ташкилотлар (ЮНЕСКО) ва маҳаллий эксперtlарни жалб этган ҳолда мазкур обьектга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилишга эришиш ҳамда эко ва агротуризм каби янги туризм йўналишларини ривожлантириш назарда тутилган.

Демак, олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Бухоро вилоятининг туристик салоҳияти шу жумладан экотуристик салоҳияти сўнгги йилларда кескин ўсиб бормоқда. Туризмнинг янги йўналиши сифатида экотуризмни ривожлантириш вилоятда туризм тараққиётининг стратегик вазифалардан бири эканлиги ва ушбу йўналиш туризмнинг истиқболли тури сифатида қаралиши келгусида вилоятда экотуризмни тараққиётiga муҳим



замин яратади.

2020 йилдаги пандемия инқирозининг бутун дунё туризм соҳасига салбий таъсири вилоятда экотуризмни ривожлантиришни хам четлаб ўтмаганлигини кузатишимиш мумкин.

Шу муносабат билан бизнинг фикримизча вилоятда экотуризмни ривожлантириш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- экотуризмни ташкил этувчи асосий элементлари ва мезонларидан келиб чиқиб вилоятнинг экотуристик салоҳиятини инвентаризация қилиш ва янги экотуристик обьектларни аниқлаш;

-экотуризмни ривожлантиришнинг давлат-хусусий шерикчилик ва кластер усулларидан самарали фойдаланиш тизимини жорий этиш;

- экотуристик салоҳиятни янада ошириш мақсадида вилоятнинг чекка худудларида инфратузилмани яхшилаш бўйича аниқ чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Хамидов О.Х. Экотуризмни бошқариш механизмини такомиллаштириш-туризм соҳасини стратегик ривожлантиришнинг муҳим йўналиши “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 й.
2. Хайтбоев Р. Экологик туризм. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2018 й. 248 б.
- 3.

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 9-ҚИСМ**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000